
Бир гурух ёшлар иштирокида маданий экспурсия ташкил этилди.

Данғара туман прокурори, 2-сектор раҳбари ташаббуси билан ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида бир гурух ёшлар иштирокида маданий экспурсия ташкил этилди.

Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигига ташкил этилган саёҳат давомида ёшлар “Худоёрхон Ўрдаси” музейи ҳамда мавжуд экспонатлар билан яқиндан танишиб, ўтмиш аждодларимиз тарихи тўғрисида янада кўпроқ маълумотларга эга бўлишди.

Шунингдек, Бешариқ туманида ташкил этилган гулчиллик иссиқхонасида бўлиб, кичик ер майдонидан катта миқдорда даромад олиш мумкинлиги тушунтирилди.

Ёшлар саёҳат давомида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди ҳамда кенг таассуротларга эга бўлишди.

2024-03-20 08:53:19